

Ислоннинг энг аввалги элчиси



16:32 / 01.04.2021 3944

Уҳуд ғазоти тугагач мусулмонлар ўзларидан шаҳид кетганларни қидира бошладилар ва қонга беланган, икки қўли узилган, юз кўринишидан дунёдан кўз юмишидан аввал машаққатли ҳаёт кечирганлиги билиниб турган бир йигитни топдилар. Мусулмонлар уни кафанламоқчи бўлган вақтларида жасадини тўлиқ ёпишга етарли бўлмаган бир **бурда** (чопон) дан бошқа нарса топа олмадилар. Агар у билан бошини ўраймиз десалар, икки оёғи очилиб қолар, икки оёғини ўрамоқчи бўлсалар, боши очилиб қолар эди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **изҳир** (хушбўй ҳидли ўсимлик) билан ўрашга амр қилдилар.

Хўш, нима учун дунёдан кетар чоғи кафанлиги жасадини ёпишга ҳам етмай қолган ушбу йигит ҳақида эсланмоқда?

Нима сабадан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва бошқа саҳобалар унинг вафотидан жуда қаттиқ маҳзун бўдилар?

Бундан бир неча йил аввал...

Моддий имконияти кенг, Маккадаги Қурайш қабиласига мансуб оиладан чиройли, нозик табиат, хушрўй юзли, Маккадаги энг сара либосларни кийиб юривчи, энг яхши атирлар билан хушбўйланувчи бир йигит чиқди. Бу йигит Ислом рисолатини эшитгач таъсирланди ва даъватдан қаноат ҳосил қилиб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларида нубувватнинг дастлабки йилларида иймонга келганини эълон қилди. Ўзининг мусулмон бўлганини аҳлига билдиргач улар унга қарши уруш эълон қилишди. Уни Исломдан воз кечишини иташди. У яшаб ўрганган неъматлардан мосуво қилинишини тушунтиришди. Йигит Ислом сабабли буларнинг барчасини қурбон қилишни ихтиёр қилди. Қолган ҳаётида қийинчилик, машаққат, муаммолардан сақланиш учун бошпана излаб у жойдан бу жойга кўчиб юрди. Маккада ўзининг дабдабали ҳаёти ила зарбулмасалга айланган бўлса ҳам шаҳид бўлиб ҳаётдан кўз юмган вақтида жасадини тўлиқ кафанлаш учун мусулмонлар кафанлик топа олишмаган бу хушбичим йигит Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳудир.

Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу иймон келтиргач Маккадаги дабдабали ҳаётидан воз кечишга рози бўлгач, аҳли оиласи унга уруш очишди. Уни иқтисодий тангликка ташлашди. Уларнинг мақсадлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динларидан қайтаришлик эди. Аммо Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ҳақда собит турди, ўзи иймон келтирган йўлда дунё матолари, мол-дунёдан маҳрум бўлишдан ташвиш қилмади.

Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу ва ясриблик мусулмонлар аҳолини Исломга даъват қилишда жонбозлик кўрсатган шахслардир. Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу Пайғамбар алайҳиссаломнинг тавсиялари бўйича иш олиб борар эдилар. У киши одамларга Қуръон ўқитиш, Исломдан таълим бериш ва дин аҳкомларини ўргатишни ажойиб услуб билан йўлга қўяр эдилар. Гоҳида баъзи одамлар у кишининг олдига ўлдирмоқчи бўлиб, қурол кўтариб кирар эди. Аммо Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг ширин муомаласи, қироати ва Ислом ҳақидаги сўзларидан кейин кўнгли эриб, мусулмон бўлиб, у киши нима топшириқ берса, ўшани сўзсиз бажарадиган бўлиб чиқар эди.

هَلْ لَعَلَّ لَيْسَ لِي لَوْلَا لَوْلَا وَسَرَّ عَمَّ أَنْ رَجَاهُ : لَأَقُوهُ نَعُوهُ لَلَا يَضْرِبُ أَبَا حَنْعَلَةَ
 لَكُنْ أَيُّ مَلَوَاتٍ مُمْ أَنْ مَفِي هَلْ لَلَا يَلْعَنُ رَجَاءَ قَوْفِ هَلْ لَلَا هَجَّ وَيَغْتَابُ مَلَسُو
 نَبَّ بَعَثُ مِّنْ إِيَّاهُ وَهِيَ وَهِيَ هُتْرَمَتْ هَلْ تَعْنِي أَنْ مَوَّ، أَيُّ شَرِّ رَجَاءُ م
 إِذْ إِوْهُ الْجَرُّ تَجْرَحُ هَسْرًا رَوَّبِ أَوْطَعِ إِذَا أُوْنَاكَ، أَبَوْتُ الْكُرْتِي مَلَوَاتٍ مَّرِي مُغ
 : مَلَسُو هَلْ لَعَلَّ لَيْسَ لِي لَوْلَا لَوْلَا وَسَرَّ لَأَقُوهُ هَسْرًا رَجَّ هَلْ جَرَّ أَوْبِ يَطَّغ
 حَيْحَ صَدَنَسْبُ يَذْمُرُ لَلَا هَاوْرَ رَجَّ ذَلَّ لَأَقُوهُ لَجْرَ يَلْعَنُ أَوْلَعَجَ أَوْ هَسْرًا أَوْطَعِ
 يَرَأُ خُبْلًا أَوْ

:Хаббоб розияллоху анхудан ривоят қилинади

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Аллоҳнинг розилигини тилаб, ҳижрат қилдик. Бизнинг ажримиз Аллоҳнинг зиммасига тушди. Бас, биздан ажридан бирор нарсани емай ўлганлар ҳам бўлди. Биздан кимнингдир меваси пишиб етилди ва ул уни териб олди. Мусъаб ибн Умайр ўлганда биргина кийимдан бошқа нарсани қолдирмади.

У билан бошини ёпсалар, икки оёғи очилиб қолди. У билан оёқлари ёпилса, боши очилиб қолди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«У билан бошини ёпинглар, оёқларига изхир ўсимлигидан қўйинглар», деб амр қилдилар».

Термизий саҳиҳ санад ила ва Бухорий ривоят қилганлар.

Мусъаб ибн Умайр розияллоху анху шаҳиди аъло бўлганларида ёшлари қирқда эди.

Уламоларимиз: «Аллоҳ таолонинг «Аҳзоб» сурасидаги: «**Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига содиқ қолган кишилар бордир. Бас, улардан ажалини топганлар ҳам, интизор бўлиб турганлар ҳам бордир. Улар (бирор нарсани) алмаштирмадилар**» (23-оят), деган қавли айнан Мусъаб ибн Умайр розияллоху анху ва у кишининг шаҳид биродарлари ҳақида нозил бўлган», дейдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳам Мусъаб ибн Умайр розияллоху анху ва у киши билан бирга Уҳудда иймон йўлида шаҳид бўлган зотларни муносиб тақдирладилар. Ўша куни мусулмонлар учун катта мусибат етганига ва ўзларига катта қийинчиликлар ориз бўлганига қарамай, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам жанг майдонида сочилиб ётган мурдалар ичидан Мусъаб ибн Умайр розияллоху анхунинг жуссаларини

излаб, топдилар. У зот ўзларининг биринчи элчилари, биринчи даъватчилари ва биринчи байроқдорлари Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг қонга беланган муборак жасадларига алам билан назар солиб, туриб қолдилар. Сарвари оламнинг кўзлари Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳунинг биргина эски чопонидан иборат кафанига ҳам тушди ва дарду алам билан шаҳиди аъло саҳобийга қараб:

«Сени Маккада кўрган эдим. Унда сендан кўра кийими рақиқроқ, сочи гўзалроқ одам йўқ эди. Энди бўлса сен сочинг тўзиган, биргина чопондасан», дедилар.

Сўнгра оламларнинг сарвари алайҳиссалом Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуга ва у кишининг шаҳид биродарларига қарата:

«Аллоҳнинг Расули шоҳидлик берурки, албатта, сизлар қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузуридаги шоҳидларисиз», дедилар.

Бу сўзларни айтиб бўлганларидан кейин Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тирик қолган саҳобаи киромларга мурожаат қилиб:

«Сизлар уларни зиёрат қилинглр. Уларнинг ҳузурларига келиб туринглр. Уларга салом бериб туринглр. Менинг жоним қўлида бўлган Зот ила қасамки, қиёматгача қай бир салом бергувчи уларга салом берса, албатта, улар алик олурлар», дедилар.

Бир йил ўтганидан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яна келиб, Уҳуд шаҳидлари қабри устида худди тобутдаги маййитга жаноза ўқигандек жаноза ўқидилар.

Аллоҳ таоло Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуни Ислом динига қилган мардонаворлиги ҳамда қурбонлиги эвазига хайрли мукофоти ила мукофотласин!

**«Ҳадис ва ҳаёт» ва «Ислом умматининг 100 буюк шахси» асарлари
асосида
Хуршид Маъруф тайёрлади**